

Акалаева Альфия Абдуллаевна,
Республика шошилич тиббий ёрдам илмий
маркази Токсикология бўлими конфликтолог-
психологи. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ ҲАРАКАТИДА ГЕНДЕР ВА ЁШ ҲУСУСИЯТЛАРИ

УЎК: 159.9.072

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2024_ISSUE_10_12](https://doi.org/10.34920/so/vol_2024_issue_10_12)

АКАЛАЕВА А.А. ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ ҲАРАКАТИДА ГЕНДЕР ВА ЁШ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу мақолада ёшга боғлиқ руҳий инқирознинг муҳим ўрни борасида ва ҳаётнинг турли даврларида зиддиятли вазиятларда аёлларда юзага келадиган жавоб реакция турлари, аёлларнинг шахс турларига қараб ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради. Ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларини шаклланишида аёлларнинг шахс хусусиятлари масалалари кўриб чиқилади ва ўз жонига қасд қилишга уринишларнинг табиати таҳлил қилинади. Ўлим билан тугалланмайдиган аёлларнинг ўз жонига қасд қилишга уринишлари барча токсикологик ўз жонига қасд қилишлар орасида муҳим ўринни эгаллайди. Аниқлаган маълумотларимизга кўра, аёлларда ўз жонига қасд қилиш хавфи омиллари орасида маълум ёш чўққилари, социализацияланишнинг паст даражаси, нотўғри мослашиш реакцияси, шахс хусусиятлари ва руҳий касалликнинг мавжудлигини алоҳида таъсири ва ўрни бор. Аёлларда ўз жонига қасд қилишнинг асосий сабаблари ҳиссий кечинмаларда ётадиган ҳодисалардир ва асосан аёллар ўзларини йўқ қилиш учун эмас, балки уларнинг муаммоларига эътиборни жалб қилиш ва қочиш учун фойдаланадилар, яъни, ҳаётини тўсиқлар кучли бўлиб қолганда, улар бардош бера олмайдиган оғир травматик вазиятдан ўзларини халос этиш, мавҳумлаштириш мақсадида амалга оширадилар.

Таянч сўз ва тушунчалар: аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳаракати, ёшга оид руҳий инқироз, токсикологик ўз жонига қасд қилиш, заҳарланиш, ўз жонига қасд қилиш можароси, аутоагрессия, нотўғри мослашиш реакцияси, ижтимоийлашув муаммолари.

АКАЛАЕВА А.А. ГЕНДЕРНЫЕ И ВОЗРАСТНЫЕ ОСОБЕННОСТИ В ДЕЙСТВИЯХ СУИЦИДА

В этой статье речь идет о важной роли возрастного психического кризиса и видах ответных реакций, возникающих у женщин в конфликтных ситуациях в разные периоды жизни, особенностях суицидального поведения женщин в зависимости от типа личности. При формировании суицидальных действий рассматриваются вопросы личностных особенностей женщин и анализируется характер суицидальных попыток. Суицидальные попытки женщин, которые не заканчиваются смертью, занимают важное место среди всех токсикологических суицидов. Как видно из выявленных нами данных, среди факторов риска суицида у женщин особое влияние и место имеют определенные возрастные пики, низкий уровень социализации, неадаптивная реакция, личностные особенности и наличие психического заболевания. Основными причинами суицида у женщин являются явления, лежащие в эмоциональных переживаниях, и в основном женщины используют их не для самоликвидации, а для привлечения внимания к их проблемам и избегания, то есть, когда жизненные барьеры становятся сильными, они делают

это с целью избавиться, абстрагировать себя от тяжелой травматической ситуации, которую они не могут вынести.

Ключевые слова: суицидальное поведение женщин, возрастной кризис, токсикосуцид, отравление, суицидогенный конфликт, аутоагрессия, дезадаптация, проблемы социализации.

AKALAEVA A.A. GENDER AND AGE FEATURES IN SUICIDE ACTS

This article reports on the important role of age psychological crisis and types of women's response in conflict situations in different periods of life, peculiarities of women's suicidal behavior depending on their personality types. The questions of personality characteristics of women in the formation of suicide dangerous actions are considered and the nature of suicide attempts is analyzed. Female suicidal attempts that do not end in death occupy a significant position among all toxicologic suicides. Of the factors of suicidal risk for women that we have identified are certain age peaks, low level of socialization, maladaptation, personality traits and the presence of mental disorder. The main causes of female suicide are events that lie in the emotional plane, and are mainly used by women not for self-destruction, but to draw attention to their problems and in order to leave, i.e. to abstract from a severe psychotraumatic situation, with which they are unable to cope, while the vital barriers remain strong.

Key words: suicidal behavior of women, age crisis, toxicosucide, poisoning, suicidogenic conflict, autoaggression, maladaptation,

Мавзунинг долзарблиги. Сўнги ўн йилликда ўткир заҳарланиш шошилини тиббий муаммолардан бирига айланди ва глобаллашув, тарқалиш ва эрта ўлим туфайли демографик вазиятни белгиловчи муҳим омилга айланди¹. Эркаклар орасида ўткир заҳарланиш ва токсик таъсир натижасида касалхонага ётқишиш даражаси аёл популяциясидаги бир хил кўрсаткичдан ўртача 3,8 баравар юқори, бу патологик ҳолатнинг пайдо бўлиши гендер хавф омилини кўрсатади².

¹ Уманский М.С., Зотова Е.П. Суицидальные попытки: соотношение мужчин и женщин. Девиантология. 2018; 2 (1): С. 30-35.

Miranda-Mendizabal A., Castellví P., Parés-Badell O., et al. Gender differences in suicidal behavior in adolescents and young adults: systematic review and meta-analysis of longitudinal studies. International Journal of Public Health. 2019; 64 (2): p. 265–283.

Moller C.I., Davey C.G., Badcock P.B. et al. Correlates of suicidality in young people with depressive disorders: A systematic review. The Australian & New Zealand Journal of Psychiatry. 2022; 56 (8): p. 910-948.

² Гольдфарб Ю.С., Бадалян А.В. Герасименко М.Ю., Щеткин В.А., Поцхверия М.М., Ельков А.Н. Реабилитационные мероприятия при острых отравлениях химической этиологии в токсикологическом стационаре - М.: «Наука», 2023. - 307 бет.

Литвинова О.С., Калиновская М.В. Токсикологический мониторинг причин острых отравлений химической этиологии в Российской Федерации. Токсикологический вестник. 2017; (1): 5 - 9.

Ўзбекистонда яқин вақтгача ўз жонига қасд қилиш муаммоси унчалик долзарб бўлмаган, ўз жонига қасд қилиш жараёнининг ривожланиш динамикаси, ўз жонига қасд қилиш хавф омиллари ва ҳимоя омилларининг ўзаро боғлиқлиги ҳам кам ўрганилган³. Сўнги йилларда токсикологик хизматнинг ривожланиши туфайли ўз жонига қасд қилишга уринишнинг кўплаб ҳалокатли ҳолатларининг олди олинди. Давлатимиз ўз жонига қасд қилиш сони бўйича етакчи эмас (7,2 бошига ўз жонига қасд 100000 аҳоли), нафақат жаҳон статистика рейтингда мамлакатлар орасида, балки Марказий Осиё мамлакатлари орасида, Қозоғистон ва Қирғизистондан кейин учинчи ўринда туради⁴.

³ Акалаев Р.Н., Миннуллин И.П. ва бошқалар. Т43.0-Т43.9 гуруҳи дори воситаларидан ўткир заҳарланиш (антидепрессантлар, нейрорептиклар, психостимуляторлар ва нормомиметик дори воситалар): қўлланма. Тошкент: «Complex Print», 2023, 136 бет.

⁴ Акалаев Р.Н., Лодягин А.Н., Шарипова В.Х., Батоцыренов Б.В., Матлубов М.М., Шикалова И.А., Стопницкий А.А., Хожиев Х.Ш., Акалаева А.А., Балабанова О.Л. Психостимулятор воситалари билан ўткир заҳарланиш // Shoshilinch tibbiyot axborotnomasi. O'zbekiston shoshilinch tibbiy yordam vrachlar assotsiatsiyasi. 2020, том 13 № 3, С. 99-107.

Акалаев Р.Н., Шоумаров Г.Б., Алимов У.Х., Акалаева А.А., Хонбабаева Р.Х., Иномова Ш.А. Роль базисной семьи в формировании суицидальной попытки у женщин // «Психология XXI столетия». 2024. Самарканд. С. 28-29.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йил январь ойида Ўзбекистон аҳолиси 36799728 кишига етди, шундан 18525000 эркак ва 18274800 аёл¹. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти аҳолиси (Тошкент шаҳар РШТЎИМга қабул қилинган токсикологик беморларнинг асосий контингенти) 4455900 кишини ташкил этди, улардан 2210126 нафари аёллардир. Ўз жонига қасд қилишга уринган аёл аҳоли йилига ўртача 960 ҳолатни ташкил қилади. Бу Тошкент ва Тошкент вилояти аёл аҳолисининг 1/3 қисмидан кўпроғини ташкил этади².

Сўнги йилларда, айниқса, ёш аёллар орасида токсикологик ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари сони кўпайди, бу шубҳасиз мавзунинг долзарблигини белгилайди. Токсикология бўлими беморлари орасида ўзини-ўзи заҳарлаш орқали ўз жонига қасд қилишга уринишлар ўткир алкоголь заҳарланишидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди³. Заҳарланиш сонининг кўпайиши нафақат турли хил доридармонларнинг осон мавжудлиги билан, балки ўз жонига қасд қилишнинг эстетик томони ҳақидаги ғояларнинг ўзига хослиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин⁴.

Аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ кўплаб асар-

лар ва нашрлар ушбу ҳодисанинг жинсга боғлиқлигини ва муаммоли омилларини очиб беради⁵. Ўз жонига қасд қилиш ҳаракатининг муҳим кўрсаткичларидан бири аёл томонидан бошдан кечирилган экзистенциал ёш инқирози ҳисобланади, бу шахслараро зиддият шаклида намоён бўлиб, жиддий психологик муаммони ифодалайди⁶.

Муаммонинг долзарблиги туфайли аёлларда ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларини шаклланишида ёш инқирози таъсири ва хусусиятларини ўрганиш учун токсикологик парасуицидлар скрининги ўтказилди.

Тадқиқот мақсади. Ёшга боғлиқ руҳий инқирозларда ўз жонига қасд қилишга уринишларни таҳлил қилиш, аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларини шакллантирган омилларини аниқлаш учун аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг хусусиятларини, шахсга боғлиқ турларини, мотивларини ўрганиш.

Материал ва усуллар. Катамнестик ва клиник-патопсихологик усуллар ёрдамида ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг (РНЦЭМП) токсикология бўлимига ётқизилган 2229 нафар 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган аёлларда 5 йил давомидаги (2019 йилдан 2023 йилгача) турли хил этиологияда ўткир заҳарланиш ташхиси бўлган беморлар билан ўтказилди. Аёлларнинг ёш хусусиятлари, ўзини ўзи бузадиган хатти-ҳаракатлар омиллари, шахс хусусиятлари, ўз жонига қасд қилиш можаросининг кўлами ва мазмуни, ўз жонига қасд қилиш ниятларининг ҳақиқийлиги баҳоланди. Юқорида бел-

¹ <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/demography> (дата обращения 20.09.2024)

² Акалаев Р.Н., Лодягин А.Н., Шарипова В.Х., Батоцыренов Б.В., Матлубов М.М., Шикалова И.А., Стопницкий А.А., Хожиев Х.Ш., Акалаева А.А., Балабанова О.Л. Психостимулятор воситалари билан ўткир заҳарланиш // Shoshilinch tibbiyot axborotnomasi. O'zbekiston shoshilinch tibbiy yordam vrachlar assotsiatsiyasi. 2020, том 13 № 3, С. 99-107.

³ Акалаев Р.Н., Шоумаров Г.Б., Алимов У.Х., Акалаева А.А., Хонбабаева Р.Х., Иномова Ш.А. Роль базисной семьи в формировании суицидальной попытки у женщин // «Психология XXI столетия». 2024. Самарканд. С. 28-29.

⁴ Синенченко А.Г., Лодягин А.Н., Шилов В.В., Батоцыренов Б.В., Балабанова О.Л., Шикалова И.А. Анализ структуры острых отравлений современными психоактивными веществами // Гигиена и санитария. 2020. № 6.

Moller C.I., Davey C.G., Badcock P.B. et al. Correlates of suicidality in young people with depressive disorders: A systematic review. The Australian & New Zealand Journal of Psychiatry. 2022; 56 (8): p. 910-948.

⁵ Гольдфарб Ю.С., Бадалян А.В. Герасименко М.Ю., Щеткин В.А., Поцхверия М.М., Ельков А.Н. Реабилитационные мероприятия при острых отравлениях химической этиологии в токсикологическом стационаре - М.: «Наука», 2023. - 307 бет.

Уманский М.С., Зотова Е.П. Суицидальные попытки: соотношение мужчин и женщин. Девиантология. 2018; 2 (1): С. 30-35.

⁶ Чекман И.С., Беленичев И.Ф., Горчакова Н.А., Кучеренко Л.И., Дорошенко А.М., Симонов П.В., Бухтиярова Н.В. Острые отравления лекарственными препаратами: диагностика, меры неотложной терапии. Киев, Запорожье, 2018. 100 с.

гиланган вазифалар ўз жонига қасд қилишга уриниш ҳолатларини аниқлаш, рўйхатга олиш бўйича муаллифнинг ихтисослаштирилган қайд этиш тизими орқали баҳоланди. Махсус ишлаб чиқилган Анкета – сўровнома ўз жонига қасд қилишга сабаб бўлувчи барча омиллар ва қўзғатувчиларни ҳар томонлама ўрганиш учун мослаштирилган. Ўз жонига қасд қилиш хавфини баҳолаш учун, ўз жонига қасд қилиш ва беморни такрорий қасд қилиш хавфи динамикаси, муаллифлар томонидан патентланган компьютер дастур ишлаб чиқилган. Гамильтон госпитал шкаласи депрессияга чалинган беморларни аниқлаш учун ишлатилган.

Олинган параметрик маълумотлар тавсифловчи статистика усуллари ёрдамида баҳоланди. Гуруҳлар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги баҳоланиши параметрик маълумотлар t-тестига асосланган Стьюдент критерияси ёрдамида, параметрик бўлмаган маълумотлар учун – U Манн-Уитни и ва Фишер мезони орқали амалга оширилди. Статистик гипотезалар $p = 0,05$ аҳамиятлилик даражасида синовдан ўтказилди.

Тадқиқотда қўлланиладиган усуллар суицидология соҳасида тадқиқотлар ўтказиш бўйича халқаро стандартга мос келади, тиббий шифоналарда фойдаланиш учун тасдиқланган ва аҳолининг айнан аёллар суицидологик контингенти орасида халқаро тадқиқотларда бир неча бор қўлланилган.

Натижа ва муҳокама. Ўз жонига қасд қилишга уриниш ҳалокатли натижани назарга тутмаган ҳолда, қасддан вазиятни ўзгартириш учун, бошқалар аралашувисиз, ўзини-ўзи заҳарлаш мақсадида белгиланган дозадан юқори бўлган дозада дори воситасини қабул қилиш ҳисобланади¹. Сўнги 5 йил давомида РШТЎИМ токсикология бўлимига 5184 аёл мурожаат қилган (ўз жонига қасд қилиш билан заҳарланган беморларнинг умумий сони – 6448 нафар), шундан 2229 аёл касалхонага ётқизилган. Йилига ўртача 1037 та аёл ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари куза-

тилади. Бу-мавжуд минтақадаги умумий аёл аҳолисининг 0,03%ини ташкил қилади.

Аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг шахс тоифасини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар орасида энг кўп учрайдиган «ёрдам» (ҳамдардлик учун...) – 28,92% ҳолатлар, «норозилик» – 25,90% ва «қочиш» – 25,30%. «Ўз-ўзини жазолаш « – 12,4% ва» рад этиш « – 7,48% камроқ тарқалган эди.

Аёл жинси вакиллари ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари умумий кўрсаткичини деярли 72,3% ни ташкил этади. Ўз жонига қасд қилиш мақсадида заҳарланиш энг кўп ҳолатда дори воситаларини кўп миқдорда қабул қилиш натижасида қайд этилади. Сирка кислотаси билан ўз жонига қасд қилиш билан заҳарланиш, умумий заҳарланишларни ўртача 22,9% ини ташкил қилади. Бу сирка кислотасининг маиший ҳаётда кенг мавжудлиги ва кундалик ҳаётда доимий анъанавий фойдаланиш ва озиқ-овқат билан истеъмол қилиш билан боғлиқ. Тадқиқот натижаларига кўра, фақатгина 10% дан юқори бўлмаган сирка кислотасини сотиш ва қўллаш рухсати берилганига қарамай, одамлар ҳали ҳам 70% ва 96% сирка кислотасини ноқонуний равишда сотиб олишлари ва шунинг натижасида оғир беморлар сонининг тенденцияси аниқланиб келинмоқда. Токсикология бўлими беморлари контингентида спиртли ичимликлар билан заҳарланиш учинчи ўринда – 2,70% ва ундан кейин пестицидлар – 2,1% билан заҳарланиш туради.

Карбамазепин дори воситаси билан заҳарланиш аёлларда ўз жонига қасд қилишга уринишда – 45,75% ҳолларда, амитриптилин – 22,20%, димедрол – 13,22%, нейролептиклар – 9,21%, стероид бўлмаган яллиғланишга қарши дорилар – 7,42% ва гипотензив дорилар – 2,20% ҳолларда танланган дориларга айланмоқда. Психофармакологик дори воситалари билан заҳарланиш 2005 йилдан бери рецептсиз сотишга рухсат берилган дорилар рўйхатига тўлиқ мос келмоқда.

Сўнги йилларда кўплаб хонадонларнинг дори қутиларида уйқу бузилиши муаммолари сабабли харид қилинган антидепрессант гуруҳига мансуб дори воситалари билан

¹ Войцех В.Ф. Клиническая суицидология. – М.: 2007. – 195 с.

41% ўз жонига қасд қилиш мақсадида фойдаланишга сабаб бўлиб қолмоқда. Уйқу бузилиши ўз навбатида, илмий тадқиқотларга кўра, 8% ҳолларда руҳий саломатлик бузилишининг биринчи белгилари бўлгани сабабли, кайфият ва хатти-ҳаракатларнинг бузилишига олиб келади.

Беморларнинг психоэмоционал ҳолатини Гамильтон шкаласи орқали баҳолаш натижасида стрессли вазиятга боғлиқ субклиник депрессия ўз жонига қасд қилишнинг 28%ида, 13% беморда клиник депрессия аниқланди.

Оилавий ва шахсий ҳаёт доирасида юзага келган можаролар туфайли ўз жонига қасд қилиш энг кўп кузатиладиган сабаблардан бири ҳисобланади – 1137 (51%), ундан кейин ахлоқий, коммунал, диний, жинсий муаммолардир – 1092 (49%). Аёлларда ўз жонига қасд қилиш ҳолатини жиддийлигини юзага келган можаролар сабабини баҳолаш объектив шароитларни таққослаш орқали амалга оширилди. 847 (38%) аёлларда ўз жонига қасд қилишга уринишлар намойишкорона, мақсадсиз ва 669 (30%) ҳолатда (30%) нотўғри мослашиш реакцияси сифатида қаралди.

Ўз жонига қасд қилишга уринишларнинг ёш билан боғлиқ энг кўп учраш эҳтимоли айнан ёш инқирозининг чўққисидида содир бўлган. 15-19 ёшдан бошлаб ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари 30%, 20-29 ёшдан – 38,5%, 30-49 ёшдан – 22,2%, 50-59 ёшдан – 3%, 60 ёшдан ва ундан катталарда кузатилган – 2,7%.

Аёлларда ўз жонига қасд қилишга мойиллик шахс хусусиятларини ўзига хос шаклланиши билан боғлиқ. Леонгард Шмишек классификацияси бўйича бир неча турли психопатологик шахс турлари бор. Тадқиқот жараёнида истероид, эпилептоид, қўзғалувчан, дистимик шахс акцентуациясига эга шахсларда ўз жонига қасд қилиш ҳаракатига мойиллик юқори бўлганлиги кузатилди. Шу билан бирга ўз жонига қасд қилиш ҳаракати 31,33% ҳолатда ҳақиқий воқеалар билан боғлиқлиги ва суицидал ҳаракатни реал сабабларга асосланган ҳолатда шахс томонидан амалга оширилганлиги аниқ бўлди.

Ўз жонига қасд қилиш билан заҳарланишга уринган суицидент аёлларнинг аксарияти ишсиз уй бекалари, яъни социализация даражаси паст бўлган, жамият билан бевосита муносабати бўлмаган аёлларни ташкил қилади. Суицидентлар орасида ишлайдиган аёллар атиги 24% ни ташкил қилган.

“Д” диспансер назоратида руҳий касаллиги бўйича психоневрологик диспансерда 4%, анамнезида ўз жонига қасд қилишга уриниши бўлган 5%, хусусий тартибда психоневролог мутахассисида медикаментоз даво олиб турадиган 14% аёл психоневрологик ва руҳий ёрдам хизматида мурожаат қилганлари маълум бўлди.

Токсикологик ўз жонига қасд қилишга уриниш ҳаракати содир этган аёлларнинг атиги 4% олий маълумотга эга, аксарияти – 93% ўрта махсус маълумотга эга ва 3% мактаб таълими тугатмаганлиги маълум бўлди.

Илм-фанда ёш руҳий инқирозининг кўплаб классификациялари мавжуд; Конфуций, Юнг, Эриксон, Выготский, Личко ва бошқа кўплаб¹ олимлар постнатал онтогенез ривожланишда ёшга боғлиқ руҳиятда кузатиладиган турли инқирозларни ўрганиб чиқишган. Ёшга боғлиқ ҳар бир ўтиш даврида, инсонда шаклландиган, жамиятда қабул қилинган анъанавий ва ақлий нормалар ва уларнинг хусусиятларни, миллий маданиятни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ёш инқирози гуруҳлари тузилди. Масалан, ўрта ёшдаги умумий қабул қилинган руҳий инқироз 30 ёшдан 40 ёшгача деб ҳисобланади ва текширилган беморлар орасида ва бизнинг кўплаб амалий кузатишларимизга кўра, Ўзбекистонда аёллар ўртасида ўрта ёшдаги инқироз ўртача 5-10 йил олдин бошланади, бу никоҳнинг қуришнинг эрта ёши билан боғлиқ, болалар туғилиши, паст ижтимоийлашув...

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, 15-19 ёшдаги қизларнинг ўз жонига қасд қилишга уринишлари ўсмирларда ўз жонига қасд қилишга уринишларнинг: оила ичидаги қийин вазият, юзаки, яъни катталарнинг ўсмирлар

¹ Старшенбаум Г.В. Суицидология и кризисная психотерапия. - М.: «Когито-Центр», 2018. - 376 бет.

муаммоларини ҳал қилишга бепарво ва лоқайд муносабати, тажовузкор хатти-ҳаракатлар (жазолар, айбловлар), вазиятни реал баҳолай олмаслик ва қизларнинг ўзларига танқидий баҳо бера олмаслиги, оила аъзоларини қарама-қарши жинс билан мулоқот қилишни руҳий босим билан тақиқлаш ва ўсмирларнинг содир этган хатоларини ҳақоратлаш орқали омма ичида поймол қилиш энг кўп учрайдиган психологик зарбаларга сабаб бўлади. Ёш қизлар кўпроқ ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларини намоишкорона, манипуляция ва истерик реакциялар шаклида амалга оширишади.

20 ёшдан 29 ёшгача бўлган аёлларда ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларининг сабаблари ўзларини янги оилада англаш, улар билан бирга яшашлари керак бўлган янги, ҳар доим ҳам хайрихоҳ бўлмаган оила аъзолари билан муносабатларни ўрнатиш билан боғлиқ бўлади. Болалар туғилиши билан (2 ёки ундан кўп) ёш аёлларнинг асосий эҳтиёжлари бузилади (жисмоний фаоллик, етарли уйқу етишмаслиги, мувозанатсиз овқатланиш, эркин мулоқотга тақиқлар). Шахснинг ўзгарган яшаш шароитларига мослаша олмаслиги ўз жонига қасд қилиш ниятларини ва ҳаракатлари пайдо бўлишига олиб келади.

30-49 ёшдаги аёлларда ўз жонига қасд қилишга уринишлар оиладаги жиддий муаммолар билан боғлиқ бўлади, бу шахслараро низолар, муҳим муносабатларнинг йўқолиши ёки совиши (хиёнат, ажралиш, иккинчи оилалар ...). Суицидентларнинг 60% ида бунга турмуш ўртоқларининг хиёнати ёки уларнинг иккинчи оиласи борлиги сабаб бўлган. Ёш инқирози пайтида аёлларда ўз жонига қасд қилишнинг муҳим сабаблари зўриқиб меҳнат қилиш, гормонал ўзгаришлар, руҳий чарчоқ, сурункали чарчоқ ва астеник ҳолат билан изоҳланиши мумкин.

Ёшга боғлиқ руҳий инқироз юзага келганда шахсда турли хил: ҳаётини фаолиятни тартибга солишни йўқолиши, ҳаёт истиқболларини кўра олишни йўқолиши, интроспекция ва ўз-ўзини ривожлантириш билан шуғулланишни истаслик ёки беҳафсалалилик, масъулиятни

бошқаларга ўтказиш ёки бошқа объектив ҳолатлар, бошқача қилиб айтганда, ҳаёт экзистенциал инқирозини юзага келиши кузатилади. Ушбу инқирозни бошдан кечириш даврида аёлларда қадриятлар, муносабат, дунёқараш, эътиқод ва диний қарашларнинг қай даражада мукамал шаклланганлиги уларни ижобий яшаш истиқболларини таъминлашга таянч бўла олади.

Хулоса.

Аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўзини-ўзи заҳарлашга энг кўп уринишлар ёшга боғлиқ руҳий инқироз даврида имконсизлик, нотўғри мослашиш ва ўзгаришларни бартараф эта олмаслик билан юзага келган низоларга жавобан, уйғун бўлмаган ҳаракат шаклида содир бўлади. Муаммонинг бошқа жиҳати, ўз жонига қасд қилишга уринган аёлнинг импульсив, эгоистик, вазиятни адекват қабул қилмасдан шошилиш амалга оширилганлиги ва натижада қаттиқ афсус билан намоён бўлган оқибатидир.

Ўз жонига қасд қилишга уриниш ҳаракатининг санаб ўтилган ёш чўққилари экзистенциал инқироз даврида аёлни руҳий ва жисмоний соғлом ҳолатда бўлиши: меъёридаги жисмоний фаоллик ва дам олиш, овқатланиш ва уйқу гигиенасини мувозанатлашган бўлиши кераклигини исботлайди. Ушбу даврда аёлга оиласи ва яқин инсонлари томонидан тушуниш ва қўллаб-қувватлашга асосланган муносабатни таъминлаб беришлари, зарурат туғилганда профессионал руҳий ёрдам мутахассисларига мурожаат қилишлари керак бўлади¹.

Хотин-қизлар кўмиталари, маҳаллалар ходимлари, шунингдек, бирламчи тиббий ёрдам мутахассислари ёрдамида аёлларга ёшга боғлиқ руҳий инқироз босқичлари, ўз-ўзига руҳий кўмак ва ўз-ўзини бошқариш кўникмалари ҳақида маълумот бериш зарур.

¹ Шоумаров Ғ.Б., Қодиров У.Д., Соғинов Н.А., Палуанова З.Д. Суицид ҳолатларини тадқиқ этиш: муаммо ва ечимлар. Услубий қўлланма. - Тошкент, Маҳалла ва оила илмий тадқиқот институти, 2020, 64 бет.

Адабиётлар:

1. Акалаев Р.Н., Миннуллин И.П. ва бошқалар. Т43.0-Т43.9 гуруҳи дори воситаларидан ўткир заҳарланиш (антидепрессантлар, нейролептиклар, психостимуляторлар ва нормомиметик дори воситалар): қўлланма. Тошкент: «Complex Print», 2023, 136 бет.
2. Акалаев Р.Н., Лодягин А.Н., Шарипова В.Х., Батоцыренов Б.В., Матлубов М.М., Шикалова И.А., Стопницкий А.А., Хожиев Х.Ш., Акалаева А.А., Балабанова О.Л. Психостимулятор воситалари билан ўткир заҳарланиш // *Shoshilinch tibbiyot axborotnomasi. O'zbekiston shoshilinch tibbiy yordam vrachlar assotsiatsiyasi*. 2020, том 13 № 3, С. 99-107.
3. Акалаев Р.Н., Шоумаров Г.Б., Алимов У.Х., Акалаева А.А., Хонбабаева Р.Х., Иномова Ш.А. Роль базисной семьи в формировании суицидальной попытки у женщин // «Психология XXI столетия». 2024. Самарканд. С. 28-29.
4. Берковиц Л. Агрессия. Причины, последствия и контроль. СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2020, 512 с.
5. Войцех В.Ф. Клиническая суицидология. – М.: М, 2007. – 195 с.
6. Гольдфарб Ю.С., Бадалян А.В. Герасименко М.Ю., Щеткин В.А., Поцхверия М.М., Ельков А.Н. Реабилитационные мероприятия при острых отравлениях химической этиологии в токсикологическом стационаре - М.: «Наука», 2023. - 307 бет.
7. Литвинова О.С., Калиновская М.В. Токсикологический мониторинг причин острых отравлений химической этиологии в Российской Федерации. Токсикологический вестник. 2017; (1): 5 - 9.
8. Синенченко А.Г., Лодягин А.Н., Шилов В.В., Батоцыренов Б.В., Балабанова О.Л., Шикалова И.А. Анализ структуры острых отравлений современными психоактивными веществами // *Гигиена и санитария*. 2020. № 6.
9. Старшенбаум Г.В. Суицидология и кризисная психотерапия. - М.: «Когито-Центр», 2018. - 376 бет.
10. Уманский М.С., Зотова Е.П. Суицидальные попытки: соотношение мужчин и женщин. *Девиантология*. 2018; 2 (1): С. 30-35.
11. Чекман И.С., Беленичев И.Ф., Горчакова Н.А., Кучеренко Л.И., Дорошенко А.М., Симонов П.В., Бухтиярова Н.В. Острые отравления лекарственными препаратами: диагностика, меры неотложной терапии. Киев, Запорожье, 2018. 100 с.
12. Miranda-Mendizabal A., Castellví P., Parés-Badell O., et. al. Gender differences in suicidal behavior in adolescents and young adults: systematic review and meta-analysis of longitudinal studies. *International Journal of Public Health*. 2019; 64 (2): p. 265–283.
13. Moller C.I., Davey C.G., Badcock P.B. et al. Correlates of suicidality in young people with depressive disorders: A systematic review. *The Australian & New Zealand Journal of Psychiatry*. 2022; 56 (8): p. 910-948.
14. Шоумаров Ф.Б., Қодиров У.Д., Соғинов Н.А., Палуанова З.Д. Суицид ҳолатларини тадқиқ этиш: муаммо ва ечимлар. Услубий қўлланма. - Тошкент, Маҳалла ва оила илмий тадқиқот институти, 2020, 64 бет.
15. <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/demography> (дата обращения 20.09.2024)